

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи.....	10

1. 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70730301–Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бинолари) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70730301– Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 70730301– Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) – “Архитектура ва қурилиш” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, халқаро тажрибаларга мувофиқ олий, ўрта махсус ва профессионал, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий–тадқиқот институтларида, илмий–ишлаб чиқариш бирлашмалари, транспорт бино ва иншоотларини қурувчи ва улардан фойдаланувчи, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлар мажмуини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тассаруфидаги ташкилотлар;
- транспорт бино ва иншоотларини лойиҳалашнинг конструктив тизимлари;
- лойиҳавий, лойиҳа–қидирув ва лойиҳа–смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- темир йўл транспортидаги саноат ва фуқаро бинолари ва иншоотлари;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ транспорт бино ва иншоотларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қайта қуриш;
- меҳнат фаолиятининг барча турлари билан шуғулланувчи, турли мулкчилик шаклдаги корхоналар;
- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- Ташкилий–бошқарув фаолияти;
- Лойиҳалаш–конструкторлик–технологик фаолияти;
- педагогик фаолият;
- Консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофиқ илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш;

– транспорт бино ва иншоотларни таъмирлаш ва куришни ташкил этиш, бунда амалий масалаларни ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– транспорт бино ва иншоотларни лойиҳалаш, куришда халқаро тажрибаларга мувофиқ технологик жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа командасини бошқариши;

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиши;

– ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиши;

– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

– халқаро тажрибаларга мувофиқ транспорт бино ва иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқот қилиш;

– халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– меҳнат муносабатларига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадбиқ қилинишини ташкил қилиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

– олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

– махсус фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши;

– электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

– узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- транспорт бино ва иншоотлари қурилиши соҳасида халқаро тажрибаларга мувофиқ мутахассисликлар бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- магистр ихтисослигига мос келувчи транспорт бино ва иншоотларини лойиҳалаш мавзулардаги лойиҳаларни халқаро тажрибаларга мувофиқ экспертиза қилиши, эксперт гуруҳлари таркибида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- тайёргарлик ихтисослигига мос келувчи мавзулар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 70730301 – Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, бино ва иншоотлар қурилиши, транспорт бино ва иншоотлари, халқаро тажрибаларга мувофиқ текшириш ва синаш, лойиҳалаш объекти, информатсион таъминот, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари

 А.Муминов

М.Ў. 202 йил « _____ » _____



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
инновацион технологияларни татбиқ этиш
маркази

Директор в.б.

 М.Эсонов

М.Ў. 202 йил « _____ » _____



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма
бошлиги

 А. Хамролиев

М.Ў. 202 йил « _____ » _____



Тошкент архитектура-қурилиш
институтини

Ректор

 Р.Ҳақимов

М.Ў. 202 йил « _____ » _____

